



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 20 февраль, № 35 (9206)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ УМУМИЙ ИНТИЛИШНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 17 — 19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 19 февраль кун Вашингтон шаҳрида Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этди.

АҚШ Президенти Дональд Трамп раислигида ўтказилган тадбирда Озарбайжон, Қозоғистон, Баҳрайн, Индонезия, Аргентина, Парагвай, Руминия, Миср, Қатар, Покистон, Венгрия, Албания, Арманистон, Вьетнам, Камбоджа, БАА, Туркия, Кувайт, Саудия Арабистони, Исроил, Марокаш ва бошқа давлатлар

делегациялари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Ҳазо секторини қайта тиклаш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, шунингдек, минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида дастлабки саммитни қақиргани учун Америка Қўшма Штатлари Президенти, Тинчлик кенгаши раиси Дональд Трампга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлагани ва уни муваффақиятли рўёбга чиқаришда амалий иштирок этишини қатъий тасдиқлагани таъкидланди.

— Ишончим комил, Кенгаш иши Ҳазо минтақасини иқтисодий ва ижтимоий қайта тиклаш учун қулай шароит яратишга имкон беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг



сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозимлиги таъкидланди.

Барча томонларнинг мувофиқлаштирилган саяё-ҳаракатлари Ҳазони тез фурсатда қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, можародан кейинги жараёнларни барқарорлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ушбу ҳудудда тураржойлар, болалар боғчалари, мактаб ва касалхоналар барпо этишга имкон қадар

ҳисса қўшишга тайёрлигини қайд этди.

— Бизнинг учрашувимиз халқаро бирдамлик, тинчликсеварлик ва Яқин Шарқдаги вазиятни яхшилашга бўлган умумий интилишимизнинг ёрқин ифодасидир. Биз Янги Ҳазони — иқтисодиёти фаровон, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларига эга бўлган минтақани барпо этиш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тадбирда бошқа хорижий мамла-

катларнинг давлат, ҳукумат ва ташқи сиёсий идоралари раҳбарлари ҳам сўзга чиқдилар.

Йиғилиш якунида Тинчлик кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги декларация имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларида амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Дональд Трамп Жаноби Олийлари!

Хурматли саммит иштирокчилари!

Авваламбор, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп Жаноби Олийлари Тинчлик кенгашининг инаугурация мажлисини ташкил этгани учун чин дилдан миннатдорлик изҳор этмадан.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги саммит бу Прези-

дент Трампнинг сиёсий иродаси ва прагматизми натижасидир.

Ўзбекистон Тинчлик кенгашини тузиш бўйича тинчликсевар ташаббусни қўллаб-қувватлади ва унинг муваффақиятли амалга оширилиши борасида ўзининг амалий иштирокини қатъий баён этди.

Ишончим комил, Кенгаш иши Ҳазо минтақасини иқтисодий ва ижтимоий қайта тик-

лаш учун қулай шароит яратишга имкон беради.

Шу билан бирга, Ҳазонинг ҳар қандай ташқи бошқарув механизми сектор аҳолисининг сўзсиз ички қўллаб-қувватлашига таяниши лозим.

Барча томонларнинг мувофиқлаштирилган саяё-ҳаракатлари Ҳазони тез фурсатда қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга, можародан кейинги жараён-

ларни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Таъкидлаб айтманки, Ўзбекистон ушбу ҳудудда тураржойлар, болалар боғчалари, мактаб ва касалхоналар барпо этишга имкон қадар ҳисса қўшишга тайёр.

Хурматли дўстлар!

Ушбу саммит Дональд Трамп номидаги Тинчлик институтида ўтказилаётганида рамзий маъно муҳассам.

Бизнинг учрашувимиз халқаро бирдамлик, тинчликсеварлик ва Яқин Шарқдаги вазиятни яхшилашга бўлган умумий интилишимизнинг ёрқин ифодасидир.

Биз Янги Ҳазони — иқтисодиёти фаровон, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларига эга бўлган минтақани барпо этиш учун ушбу тарихий имкониятдан фойдаланишимиз зарур.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Сайёр мажлис

КОРРУПЦИОН ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Куни кеча Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, миллий ва ҳудудий кенгашлар ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари, халқ депутатлари Самарқанд вилояти ва туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари, вазирлик ва идоралар, вилоят ҳокимлиги раҳбарлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Кун тартиби доирасида Самарқанд вилоятида коррупцияга қарши курашиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳудудда иқтисодий фаоллик, қурилиш, тадбиркорлик ва хизматлар соҳаси ҳадал ривожланиб бораётгани билан бирга, ушбу жараёнларда коррупцион хавф омилларини барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш долзарб вазифа ҳисобланади. Сўзга чиққанлар коррупцияга қарши курашишда тизимли, очиқ ва рақамлаштирилган бошқарув механизмлари кенг жорий қилиш муҳимлигига эътибор қаратди.

➡ 2

Ўзбекистон ва Тожикистон: ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва муҳтор элчиси Насреддин Исмаиловни қабул қилди.

Мулоқот

Элчи самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча баждада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, демократик янгиланишлар ва парламентаризмни ривожлантириш соҳасидаги ислохотларни юқори баҳолади.

— 2016 йилдан буён икки давлат Президентларининг оқилона сиёсати туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган одилона сиёсат минтақавий

«Халқ сўзи».

бошқарорлиқни мустаҳкамлаш ва халқаро майдонда ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшмоқда, — деди Н. Исмаилов.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Дўстлик гуруҳларининг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш, парламент кўмиталари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш кун тартибидagi муҳим масалалардан бири экани таъкидланди.

Учрашув очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

Муносабат

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ ҲАМИША УСТУВОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тинчлик ва иқтисодий соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саяё-ҳаракатлари, ҳаётий ташаббуслари натижасида Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон кўпгина халқаро ташкилотларнинг аъзоси. Шунингдек, Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик бўйича тадбирларни якунига етказишга қаратилган ишлар жадал олиб боришмоқда.

Давлатимиз барча хабари АҚШга ташри-

фи давомида мамлакатимиз манфаатларига оид қатор учрашувлар ўтказди ва ишбилармон доира вакиллари билан қизгин мулоқотлар олиб борди. Аввалги ҳудди шундай самарали ўзаро мулоқотлар доирасида имзоланган келишувлар бугун ўз мевасини бермоқда.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ

АҚШда бўлиб ўтган Тинчлик кенгаши саммитида мамлакатимиз раҳбарининг таъсисчи давлатлар қаторида иштирок этганида чукр маъно бор. Ушбу Кенгаш АҚШ томонидан тақдиф қилинган ҳамда БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг 2024 йил 10 июндаги резолюцияси асосида ташкил этилган янги платформа ҳисобланади.

Яқин Шарқдаги қуролли можарони бутунлай тугатиш, Ҳазо секторига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш

ва Ҳазони қайта тиклаш ушбу Кенгашнинг асосий мақсади этиб белгиланган. Уларга эришиш учун халқаро ҳамжа-

мийнинг ҳаракатларини бирлаштириш орқали аниқ натижаларга эришиш Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатиға тўла мос келади.

Ўзбекистон Яқин Шарқдаги можаро бўйича ўз позициясини билдириш билан чекланиб қолмасдан, балки Ҳазодан 100 дан ортиқ қариялар, аёллар ва болаларни реабилитация қилиш

учун мамлакатга олиб келиб, амалий ишларни бажараётган кам сонли давлатлар қаторига киради.

Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, БМТга 200 га яқин давлатлар аъзо бўлса-да, АҚШ Президенти Тинчлик кенгашига қўшилиш бўйича 60 дан ортиқ мамлакатларни тақдиф этиш билан чекланди.

➡ 2

Барҳаёт
анъаналар

МАҲАЛЛА — ҲАМЖИҲАТЛИК МАСКАНИ

Маҳалла ривожланса, жамият юксалади. Жаҳонда андозаси бўлмаган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг бундай тузилмасига эътиборни янги босқичга олиб чиқиш орқали катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, муҳтожларга мурувват сингари халқимизнинг бебаҳо қадриятлари янада сайқал топади.

Эл равнақи йўлида амалга оширилаётган ҳар бир хайрли саяё-ҳаракатларда ёш қари, фидойи ва ташаббускор фуқароларнинг фаол иштироки ҳал қилувчи

аҳамиятга эга. Шу маънода маҳалла фақат ҳудуд эмас, балки инсонни инсон қиладиган тарбия мактаби, маънавият ва аҳиллик масканидир.

Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва аъналаримиз халқимизнинг кимлигини, унинг маънавий қиёфасини акс эттирувчи бекисё боилиқдир. Асрлар давомида асраб-авайлаб келинаётган ана шу одоб-ахлоқ, бир-бирига елкадошлик, меҳр-оқибат каби қадимий урф-одатлар бугунги эътибор ва ғамхўрликлар туфайли янада

равшан намоён бўлиб, келгуси авлодларга безавол етказилмоқда.

“Маҳалла — ҳамжиҳатлик маскани” саҳифамизда маҳаллада миллий қадрият ва аъналарга умрбоқийлик бағишлаб яшаётган зарғар ҳўнармандлар, каштадўзу соҳибкорлар, умуман олганда, маҳалла фаолларига минбар берилди.

4-саҳифага қаранг. ➡

КОРРУПЦИОН ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

✚ Урганишлар натижаларига кўра, сўнгги даврда вилоятда коррупциявий жиноятлар, асосан, энергетика, қурилиш, бандлик, соғлиқ сақлаш ҳамда банк соҳаларида учрамоқда. Хусусан, энергетика тизимида ноқонуний улаишлар, ҳисоб-китобларда инсон омилининг юқорилиги ва назорат жараёнларининг етарли даражада рақамлаштирилмагани мавжуд муаммолар сифатида кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, қурилиш ва ер муносабатлари йўналишларида рухсатнома бериш жараёнларининг мураккаблиги, шаф-фоллик етарли даражада эмаслиги, ноқонуний қурилишлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган. Бундан ташқари, бандлик ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёз-

ли кредитлар ажратиш жараёнларида айрим суиестемоллик ҳолатлари мавжуд ва назорат етарли даражада ташкил этилмаган.

Муҳокама якунида соҳалар кесимида аниқ чоралар, уларни амалга ошириш механизмлари ҳамда ижро мuddатлари белгиланган қарор қабул қилинди. Мутасаддиларнинг зиммасига энергетика ва қурилиш йўналишларида жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш, давлат хизматларида инсон омилини қисқарттириш, компла-енс-назорат тизimini кучайтириш, кредитлаш тизимида шаффоф ва автоматлаштирилган механизмларни жорий этиш бўйича қатор вазифалар юклатилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Учрашув

ИККИ ТОМОНЛАМА КЕЛИШУВЛАР — АМАЛДА



Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаевнинг Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Вон До Ён билан учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан парламентлараро ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, томонлар 2025 йил декабрь ойида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери У Вон Шик бошчилигидаги парламент делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашди.

Учрашув якунида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш ва олий даражада эришилган икки томонлама келишувларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилиши устидан парламент назоратини олиб бориш юзасидан келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР ИЖРОСИДА НАТИЖАДОРЛИК МУҲИМ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025 йилда ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш, шунингдек, ривожлантириш дастури мақсадли индикаторларининг бажарилиши ҳолати юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Вазирлик ахборотида кўра, ўтган йилда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини хорижий норматив-техник ҳужжатлар билан уйғунлаштириш, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги норматив ҳужжатларни тақомиллаштириш дастурлари бўйича белгиланган вазифалар ижроси самарали бажарилган.

Иссиқлик таъминоти объектиларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун харажатлар ижросига 2025 йилда режалаштирилган маблағ 500,0 млрд. сўмни ташкил этиб, бу маблағлар етарли даражада сарфланган.

Модернизация қилинадиган иссиқлик қозонхоналари (22 та) ҳисобига иссиқлик таъминоти билан камраб олинadиган хонадонлар сони 14 758 та бўлган ҳолда бу йўналишдаги мақсадлар самарали ижро этилган.

Депутатлар ҳисоботда келтирилган рақамлар билан текшириб қолмасдан, ажратилган маблағларнинг амалдаги самарадорлигига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, бюджет маблағларининг сарфланиши натижасида қандай аниқ ижобий ўзгаришлар юз берган

ни, уларнинг сарфи бўйича режа қилинган мақсадларга эришилганлик ҳолати юзасидан масъуллар олдига саволлар қўйилди.

Шунингдек, вазирлик учун ажратилган маблағларни ўзлаштиришда айрим камчиликларга йўл қўйилгани, тақдим этилган ҳисоботда маълумот ва таҳлилларнинг етарли эмаслиги таъкидланиб, бу камчиликларни бартараф қилиш, маблағлар сарфини натижадорлик мезонлари асосида баҳолаш ва ҳисоботларни янада пухта тайёрлаш лозимлиги ургулди.

Муҳокама давомида мақсадли индикаторларни ижро этишда йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил қилган ҳолда 2026 йилда ушбу йўналишда янада самарали фаолият олиб бориш, бюджет маблағларидан фойдаланиш натижадорлигини ошириш, рақамлар эмас, аниқ натижаларга асосланган фаолият олиб бориш юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Яқунда кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТИ ҲАМИША УСТУВОР



Президентимиз бу галги АҚШга ташрифи давомида Экспорт-импорт банки президенти ва раиси Жон Йованович ҳамда Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси бош ижрочи директори Бэн Блэрни қабул қилди.



Хусусан, Эксимбанк билан йирик саноат ва инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтириш ҳамда юқори технологияли ускуналар етказиб беришни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси раҳбарияти билан учрашувда корпорациянинг йирик миллий ва минтақавий лойиҳаларда иштирок этиш, молия бозори ва энергетика тармоғини ривожлантириш бўйича режалари маъқулланди.

Узаро мулоқотлар давомида мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни якунига етказишга оид масалаларда амалий ҳамкорликни кучайтириш ва АҚШ томонидан ушбу жараёнларни янада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Президентимиз ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида икки томонлама ҳужжатларни имзолашга бағишланган маросим ва қўшма лойиҳалар тақдиротида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ушбу тадбирларда иштирок қилиб «Бугунги кунда шериклар ишончли, қоидалар аниқ-равшан, ҳамкорлик эса узоқ муддатли бўлиши етакчи ўринга чиқмоқда. Биз Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлигимизни айнанан шу мантиқ асосида қурмоқдамиз», деди.

Ҳамкорлиқнинг устувор йўналишлари қаторида ўта муҳим хомашё, нефть-кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги, паррандачилик ва бошқа тармоқлар кўрсатиб ўтилди. Ўз навбатида, мамлакатларнинг ҳудудлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш ва бу борада таширфларни ташкил этиш алоҳида ўринга эга эканлиги таъкидланди.

Ишончимиз комилки, мазкур учрашувларда ёнилги қўйиш шохобчалари тармоғини қуриш, ёлмирлатиб сўғориш технологияларини жорий қилиш, муҳим минералларни қазиб олиш ва етказиб бериш, паррандачилик кластерини ташкил этиш, агросаноат, молия бозорини ривожлантириш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг имзоланганлиги келгусида ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ва технологик ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади.

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтон шаҳрига амалга оширган ташрифи доирасида ўтказилган ишбилармонлик учрашувлари ва имзоланган икки томонлама ҳужжатлар мамлакатимизнинг очик, прагматик ва узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати изчил давом этаётганини яна бир бор намоён қилди.

Айниқса, АҚШ ҳукумати, молиявий институтлари ҳамда етакчи компаниялар вакиллари иштирокида ўтган учрашув ва қўшма лойиҳалар тақдироти Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб, мамлакатимизга нисбатан ишонч мустаҳкамланиб бораётганини яққол тасдиқлайди. Энергетика, нефть-кимё, қишлоқ хўжалиги, паррандачилик, муҳим хомашё ресурслари ва молия бозори каби устувор йўналишларда эришилган келишувлар нафақат иқтисодий ўсишни жадаллаштириши, балки янги иш ўринларини яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва замонавий технологияларни кенг жорий

этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш, вилоятлар ва АҚШ штатлари ўртасида бевосита алоқаларни кучайтириш бўйича берилган топшириқлар жойларда инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг глобал бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Вашингтондаги учрашувлар ва имзоланган битимлар Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклигининг амалий таъмин бўлиб бораётганини, ўзаро манфаат ва ишончга

асосланган ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини кўрсатади. Бундай йирик лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилиш, инновацион ривожланишни жадаллаштириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. доллардан ошгани, мамлакатимизда 340 га яқин Америка компаниялари фаолият юритаётгани ҳамкорликнинг амалий натижасидир. Энергетика, муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва ахборот технологиялари соҳаларида қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Қиймати 35 млрд. доллар бўлган уч йиллик Иқтисодий ҳамкорлик дастурининг амал қилиши эса муносабатлар-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИ



Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, бу ерда асосий мезон фақат давлатлар иқтисодий қудрати эмас, балки уларнинг халқаро майдонда тинчликка эришиш ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш учун олиб бораётган саяё-харақатлари, бу борадаги ишларнинг амалий натижалари ва минтақа-вий таъсир кучи инобатга олинган. АҚШ Президентининг Ўзбекистонга ушбу Кенгаш таъсисчилари қаторидан жой олишни тақлиф қилиши расмий Тошкентнинг халқаро тинчлик ва барқарорлик жараёнларида муҳим ўрин тутгани ҳамда мамлакатимизга бўлган юксак ишончини аёнлади.

Хўш, Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашига оддий иштирокчи ёки кузатувчи эмас, балки таъсисчи мақомида қиршиқнинг аҳамияти нимада, унинг биз учун қандай ижобий томонлари бор?

Аввало, Кенгашга аъзолик — Ўзбекистоннинг глобал майдондаги «масъулиятли ва ишончли ҳамкор» мақоми мустаҳкамлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Ҳазо секторини қайта тиклаш ва у ерда тинч ҳаётни йўлга қўйиш бўйича қарор қабул қилувчи давлатлар қаторига кирди. Бу эса Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ташаббусларини глобал даражада илгари сурishi имконини беради.

Яна бир масала, Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини янги даражага олиб чиқади. Трамп маъмурияти билан тўғридан-тўғри мулоқот каналининг яратилиши иқтисодий, инвестиция, савдо ва бошқа соҳаларда ҳам янги имкониятлар эшигини очди. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг АҚШ бошчилигидаги янги тузилмага қиршиқ унинг мустақил ва мувозанатли ташқи сиёсат юритаётганини исботлайди.

Демак, Ўзбекистон учун бу кенгаш нафақат Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнида иштирок этиш, балки ўз миллий манфаатларини глобал даражада ҳимоя қилиш ва халқаро сиёсатнинг «асосий ўйинчилари» даврасидаги позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Демократик
институтлар ва фуқаролик
жамиятини ривожлантириш
масалалари қўмитаси раиси
ўринбосари.

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТТИРИШ ИМКОНИ



Президентимизнинг АҚШга ташрифи ва Тинчлик кенгашининг дастлабки йўналишдаги иштироки Ўзбекистоннинг нафақат ўз минтақасида, балки дунёнинг узоқ нуқталаридаги тинчлик жараёнларида ҳам муҳим овозга эга эканини кўрсатди. Бу эса замонавий дунёдаги мураккаб геосиёсий зиддиятлар ва низолар

фонидa Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва кўп векторли ташқи сиёсат йўли ўзининг ҳаётлигини яна бир бор исботлади.

Кутилганидек, Ўзбекистон Президентининг Вашингтонга ташрифи ўта тизив ва мазмунли дастур билан ўтди. Ташриф давомида давлат раҳбари АҚШ маъмурияти вакиллари, етакчи компаниялар раҳбарлари ва халқаро молиявий институтлар етакчилари билан қўллаб-қувватлаш ўтказди. Олий даражадаги музокаралар эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик жараёнларини жадаллаштириб, аънавий алоқаларни йирик инвестициявий битимлар билан бойитди.

Шу ўринда, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги иқтисодий алоқалар мисли кўрилмаган ўсиш суръатларини кўрсатганини қайд этиш жоиз. Маълумотларга кўра, 2017 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4,7 баравардан зиёд ортган. Ўзбекистоннинг экспорт 9,1, импорт эса 3,9 карра, Америка инвестициялари (йиллик) 64 бараварга ўсган. Америка капитални иштирокидаги корхоналар

2,1 карра кўпайиб, 346 тани ташкил этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон экспорти таркибида хизматлар 81 фоиз бўлиб, асосан, дастурлаш ва IT хизматлари етакчилик қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг инсон капитали ва юқори технологияларга асосланган экспорт салоҳияти ортиб бораётганидан далолат беради. АҚШдан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг аксарияти юқори технологик машина ва ускуналар, жумладан, ҳаво кемалари ва саноат агрегатлари ҳисобланади.

Президентимиз ташрифи АҚШда катта қизиқиш ва эътироф билан қўлиб олинди. Америка томони Ўзбекистонни минтақадаги «ишончли, барқарор ва масъулиятли шерик», деб атади. Тинчлик кенгаши доирасидаги иштирок эса Ўзбекистонга дунёда барқарорлик ўрнатилганда фол саяё-харақатларини давом эттириш имконини беради.


Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ХАВФСИЗЛИК ВА ФАРОВОНЛИК САРИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиклик, прагматизм ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари устувор аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг АҚШга амалга оширган навбатдаги ташрифи ана шу изчил сиёсатнинг мантиқий давомидир. У нафақат икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, балки глобал ва минтақавий тинчликни таъминлаш, барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизими мураккаб геосиёсий жараёнлар билан тавсирланмоқда. Турли минтақаларда кузатилаётган зиддиятлар, хавфсизлик таҳдидлар ва иқтисодий беқарорлик давлатларни ўзаро мулоқот ва ҳамкорликни кучайтиришга ундамоқда. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги мулоқотнинг янги босқичга кўтарилиши ҳар икки давлат учун стратегик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўтган йиллар давомида турли босқичларни босиб ўтди. Янги даврда эса бу муносабатлар мазмун жиҳатдан бойиб, стратегик шериклик даражасига чиқмоқда. Президентимизнинг океанортига навбатдаги таш-



рифи доирасида хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика, таълим ва инсон капитали соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Айниқса, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, юқори технологиялар ва инновацион ечимларни қўллаш масалалари устувор йўналиш сифатида қўрилмоқда.

АҚШ бизнес доиралари билан учрашувлар икки томонлама иқтисодий алоқаларини янада кен-

гайтиришга хизмат қилади. Бу эса мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, рақобатбардорлиқни ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга замин яратди.

«Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» тушунчаси кенг қамровли маънога эга. У фақат ҳарбий ёки сиёсий шерикликни англатмайди, балки минтақавий барқарорлик, терроризмга қарши кураш, экстремизмнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш каби йўналишларни ҳам ўз ичига олади.

Марказий Осиё геосиёсий жиҳатдан муҳим ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда тинчлик ва барқарорликни сақлаш нафақат минтақадаги давлатлар, балки бутун халқаро ҳамжамият манфаатларига мос келади. Ўзбекистон сўнгги йилларда қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, чегара масалаларини ҳал этиш ва иқтисодий интеграцияни ривожлантириш борасида катта қадамлар ташлади. АҚШ билан ҳамкорлик ушбу ижобий жараёнларни

қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Минтақада хавфсизликни таъминлаш масаласида ўзаро ахборот алмашиш, қўшма дастурлар ва институционал мулоқот механизмларини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга бўлиб, бу терроризм, наркотрафик ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда кенг қўлланми ислохотлар олиб боришмоқда. Давлат бошқарувини модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизimini тақомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, гендер тенгликни таъминлаш каби йўналишларда сезиларли ўзгаришлар кузатиляпти. АҚШ билан ҳамкорлик бу ислохотларни қўллаб-қувватлаш, илгор тажрибаларни жорий этиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш имконини беради.

Таълим ва фан йўналишидаги алоқалар ҳам тинчлик йўлидаги ҳамкорлиқнинг муҳим қисми ҳисобланади. Академик алмашиув дастурлари, қўшма илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар

ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтиришда, ўзаро ишонч ва маданий мулоқотни мустаҳкамлайди. Бу эса узоқ муддатли тинчлик ва барқарорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларини янги босқичга олиб чиққан муҳим сиёсий воқеа сифатида Ўзбекистоннинг очик ва мувозанатли ташқи сиёсати, халқаро ҳамкорликка тайёргилиги ва тинчликпарвар позициясини яна бир бор намоён этди. Икки давлат ўртасидаги ишончли мулоқот ва ўзаро ҳурматга асосланган шериклик келгусида янада самарали натижалар бериши, шубҳасиз.

Шу маънода, тинчлик йўлидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичи фақат дипломатик ибора эмас, балки барқарор тараққиёт, хавфсизлик ва фаровонлик сари амалий ҳаракатлар стратегиясидир.

Иброҳим ОТАМИРЗАЕВ,
Номанган давлат
университетининг кафедра
мудир, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD).

Бугунги кунда фармацевтика тармоғида 2,3 млрд. долларлик 156 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

КУЗАТУВЧИ ЭМАС, ИШТИРОКЧИ БЎЛИШИМИЗ ЗАРУР

Дунё миқёсида юз бераётган глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва экологик инқирозлар барча давлатлар олдида янги, мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу каби глобал инқирозлар мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Шу сабабли, бу борада жиддий ислохотлар амалга оширилиб, экологик барқарорликни таъминлаш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳоли учун қулай экологик муҳит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Долзарб мавзу

Экологик барқарорликнинг муҳим омилларидан бири сифатида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, дарактларни муҳофаза қилиш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш, уларни сақлаб қолиш борасида тизимли чоралар кўриломқда.

Хусусан, ўрмон фондига кирмайдиган даракт ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига қарши мuddатсиз даврга мораторий эълон қилиниши билан бирга, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион кўчат экиш йўлга қўйилди.



Шунингдек, яшиллик даражасини ошириш, экологик жихатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини шакллантириш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, табиий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар йўлга қўйилмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун ҳозирда соҳага оид 30 га яқин янги қонунлар ҳамда

салкам 300 та қонуности меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 15 дан зиёд конвенция, ҳалқаро протоколлар ҳамда келишувлар имзоланди ва ратификация қилинди.

Агар дунё миқёсида тахлил этадиган бўлсак, экологик инқирозлар сув танқислиги мисолида яққол намён бўлмоқда. Бу эса мамлакатимизда ҳам сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, тармок ва соҳаларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этмоқда. Чунки Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида сув сарфининг юқорилиги ва эски инфратузилманинг мавжудлиги рoст ва у муаммони янада кескинлаштирмоқда.

Шу боис томчилатиб суғориш, рақамли хисобга олиш тизимлари, сувни тежовчи технологияларни жорий этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Тежамкор технологияларни кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизациялаш, суғориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 млрд. долларлик катта дастур қабул қилин-

ди. Унинг доирасида сувни тежайдиган технологиялар қамрови 61 фоизга ёки 2,6 млн. гектарга етказилиши натижасида йилга 2,5 млрд. куб метр сувни тежаб, 200 минг тонна буг газини камайтириш кўзланган.

Жорий йилда ушбу тадбирларга жами 3 трлн. 300 млрд. сўм йўналтириш назарда тутилган. Сув сарфининг кўпайишида очик ҳамда бетон қопламаларга эга бўлмаган канал ва ариқларнинг ҳам сезиларли хиссаси бор. Шу сабаб йирик магистраль каналларни бетон билан қоплаш, жойлардаги очик дренаж ва коллекторларни ёпик тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниши сувни тежашда муҳим омил вазифасини ўтайди.

Шу нўқтаи назардан, Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида белгиланган бешинчи устувор йўналиш айнан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларини самарали бошқариш масалаларига қаратилгани эътиборга молик. Зеро, экологик мувозанат — бу нафақат табиатни асраш, балки аҳоли саломатлиги, озик-

овқат хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш демакдир.

Мурожаатномада қайта тикланувчи энергия манбаларини жадал ривожлантириш стратегик вазифа сифатида белгилаб берилди. Чунки кўёш ва шамол энергетикаси атмосферага чиқарилаётган зарарли газларни камайтириш билан бирга энергетик мустақилликни ҳам мустаҳкамлайди.

Таъкид шуки, табиатни муҳофаза қилиш ишларида ҳар биримиз кузатувчи эмас, иштирокчи бўлишимиз энг муҳим масала. Боболардан мерос, фарзандларимиздан қарзимиз — ана табиатни асраш, экология ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этиш ҳамда келажак авлодларнинг мусоффо муҳитда яшаш ҳуқуқини кафолатлаш ишларида фаол иштирок муқаддас бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув хўжалиги масалалари
ва экология қўмитаси раиси
ўринбосари.

РАҚАМЛИ ДУНЁДА ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯЛАШ МУМКИН?

XXI асрда ахборот энг муҳим стратегик ресурслардан бирига айланган. Рақамли технологиялар давлат бошқаруви, иқтисодиёт, банк, таълимини, умуман, одамларнинг кундалик ҳаётини тубдан ўзгартирмоқда. Аммо рақамлаштириш қулайликлар билан бирга хавф-хатарларни ҳам оширяпти. Аввало, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ хавфларни. Бугун бу масала нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, иқтисодий ва ҳатто миллий аҳамият касб этмоқда.

Мушоҳада



Таъкидлаш лозим, сўнгги йилларда Ўзбекистонда электрон хизматлар ривожига сифат жиҳатдан катта сакраш кузатилди. Аҳоли ҳар кунини онлайн-банкнинг, давлат порталлари, таълим, соғлиқни сақлаш ва савдо соҳаларида рақамли хизматлардан кенг фойдаланяпти. Натижада шахсий маълумотларнинг катта жамламаси — шахсга оид маълумотлар: молиявий ҳолат, иш жойи, саломатлик — ҳаётининг барча жиҳатлари ҳақидаги ахборотлар шаклланмоқда.

Бир томондан қараганда, электрон хизматлар сифатини ошириш ва бошқарув самарадорлигини таъминлаш учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда. Бошқа томондан эса фуқароларни кибертаҳдидлар, фирибгарлик ва маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш хавфига дучор қилади. Маълумотлар сизиб чиқиши, базалар бузилиши, шахсий ахборотларнинг розиликсиз тарқатилиши бутун дунёда жиддий муаммога айланмоқда.

Тўғри, мамлакатимизда бу борада зарур ҳуқуқий асос шаклланган. Жумладан, “Шахсий маълумотлар тўғрисида”-ги Қонунда ахборотга ишлов бериш тартиби, хавфсизлик, махфийлик, фуқаро розилигининг мажбурийлиги каби асосий тамойиллар белгиланган. Бирок технологияларнинг жадал ривожланиётгани қонунчиликни доимий такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Бугун сунъий интеллект(СИ)дан фойдаланиш, катта маълумотларни қайта ишлаш ва уларни трансчегаравий узатиш, “deepfake”, яъни СИ ёрдамида ўхшаш сохта тасвирлар, видео ва аудио ёзувларни яратиш кучаймоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарликни кучайтиришни талаб этади.

Хусусан, қонун ижодкорлиги фаолиятида шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш энг устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Бу нафақат норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, балки ахборот орқали муомала маданиятини шакллантириш билан ҳам боғлиқ. Шу маънода, бугун парламент куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратяпти: маълумотларни ноқонуний йиғиш ва тарқатиш учун жавобгарликни кучайтириш, уларга ишлов бериш устидан самарали назорат механизмларини яратиш, рақамли муҳитда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва киберхавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш. Шу билан бирга, шахсий маълумотлар билан ишловчи давлат органлари ва ташкилотлар фаолияти устидан пар-

ламент назоратини кучайтириш ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш фақат давлат ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар вазифаси эмас. Рақамлаштириш шароитида бу ҳар бир фуқаронинг кундалик маданияти ва шахсий масъулиятига айланмоғи лозим. Бугун сайтлардан рўйхатдан ўтиш, онлайн-тўловларни амалга ошириш, мобиль иловалар, ижтимоий тармоқлар ва давлат хизматларидан фойдаланиш орқали ҳар кунини ўзимиздан рақамли из қолдиришмиз. Бирок шахсий маълумотларимиз қанчалик қимматли эканини, улардан нотўғри фойдаланишимиз эртага қандай хавф-хатарларни тудуриши мумкинлигини тўла англаб етмаяпмиз.

Энг катта муаммо рақамли саводхонлик етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ. Аксарият фуқаролар ўз маълумотларини нотаниш шахсларга беради, содда пароллардан фойдаланади, интернет ресурсларининг ҳақиқийлигини текширмайди, “fishing” (маълумотларни ўғирлаш мақсадида уюштирилган ҳужум, тузоқ) ёки интернет-фирибгарлик қурбонига айланади.

Шу боис аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича тизимли ишларни кучайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу фуқароларда рақамли муҳитда хавфсиз ҳаракат кўникмаларини шакллантиришни англайди. Айниқса, мактаб ва олий таълим муассасаларида ушбу йўналишда маърифий дастурлар, ОАВ ва интернет орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Давлат ва жамиятнинг биргаликдаги савй-ҳаракати билан ҳар бир фуқарога шахсий маълумотларнинг қадрини англайдиган ва уларни ҳимоя қиладиган маданият шаклланиши зарур.

Жараёнлар шунини кўрсатмоқдаки, шахсий маълумотлар ҳимоясига зарурат тобора ошиб бораверади. Бу рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат, сунъий интеллект ва катта маълумотлар технологияларининг жадал ривожланиши билан боғлиқ.

Замонавий ахборот тизимлари улкан маълумот ҳамжамларини қайта ишлаш, инсон хатти-ҳаракатини башоратлаш ҳамда унинг рақамли “профил”ини шакллантириш имконига эга ва бу инсон ҳуқуқлари бузилиши хавфини ҳам юзага келтиради. Бу жараёнда қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ахборотни ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларини жорий этиш, назорат институтларини кучайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, сунъий интеллектни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Алгоритмлар шафдофлигини таъминлаш, камситишга йўл қўймаслик ва маълумотлардан фойдаланиш этикаси тамойилларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шахсий маълумотлар ҳимояси бугун фақат ҳуқуқий ёки техник масала эмас. Бу фуқароларнинг давлатга ишончи, рақамли иқтисодиёт барқарорлиги ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини таъминлаш масаласидир. Чунки шахсий маълумотлар замонавий жамиятнинг энг қиммат ресурсларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун қонунчиликни такомиллаштириш, парламент назоратини кучайтириш, масъул ташкилотлар жавобгарлигини ошириш ва аҳолининг рақамли маданиятини шакллантириш устувор вазифалардан бирига айланмоғи лозим.

Бахтиёр МАНИЯЗОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

БИР ЛОЙИҲА ОРТИДАН 180 КИШИ БАНД

Ўтган йили Миришкор туманида фаолият бошлаган “Миришкор Ратекс текстиль” масъулияти чекланган жамияти ҳудуддаги саноат ривожига муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда. Гап шундаки, тадбиркор Мухторжон Тўйчиев томонидан 3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги шахсий маблағ ва 7 млн. доллар хорижий инвестиция эвазига барпо қилинган қорхона йилига 5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ташаббус

— Қорхонамиз Хитой технологияси асосида жиҳозланган бўлиб, халқаро бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган сифатли калава ип ишлаб чиқариш имконини беради, — дейди қорхонанинг иш бошқарувчиси Баҳром Йўлдошев. — Фаолиятимизни бошлаганимизга кўп бўлмади. Шу вақт мобайнида ҳар кунини 8 тоннадан 12 тоннагача тола қайта ишланмоқда ва тайёр маҳсулот, асосан, ички бозорга етказиб берилмоқда. Яқин вақт ичиди қорхона маҳсулотини бир қатор хорижий давлатларга экспорт қилиш бўйича ҳам келишувлар амалга оширилиши кутилмоқда.

Эътиборли жиҳати, мазкур фаолият ортидан ҳудуддаги 180 нафар киши иш билан таъминланди. Уларнинг аксарият қисми аввал иш билан банд бўлмаган хотин-қизлардан иборат.

— Бундай саноат лойиҳалари ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, экспорт ҳажминини кенгайтириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Миришкор тумани ҳокими-нинг инвестиция ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари

Шоҳжаҳон Тўраев. — Авваллари туман иқтисодиёти, асосан, қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлган бўлса, сўнгги йилларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам ўз улушини сезиларли даражада оширмоқда. Масалан, 2025 йилда туман 15 млн. 216 минг АҚШ долларилек маҳсулот экспорт қилган бўлса, шунинг 13 млн. 270 минг доллари саноат маҳсулотлари хиссасига тўғри келади.

“Миришкор Ратекс текстиль” лойиҳаси туманда нафақат саноат салоҳиятини оширишга хисса қўшмоқда, балки аҳоли иш билан таъминланиши ва янги иқтисодий имкониятлар очилишида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу турдаги инвестиция ва саноат ривожланиш лойиҳалари ҳудуд иқтисодиётининг диверсификацияси ва барқарор ўсиши учун асосий драйверлардан бири ҳисобланади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).



ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА АРЗОН ҚУВВАТ МАНБАМ

Ўзбекистонда гидроэлектр станциялари сони қарийб уч баробарга оширилди

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ресурсларга бой мамлакат ҳисобланган Ўзбекистон энергетика тизимида ҳам ана шундай тенденция кузатиляпти. Қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни рағбатлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмади. Чунки юртимизнинг географик жойлашуви, табиий-иқлим шароити қулайлиги боис энергиянинг муқобил манбалари, айниқса, кўёш, шамол ва гидроэнергетикадан фойдаланиш истиқболли юқори. Президентимиз парламент ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномада айнаи жиҳатга эътибор қаратди: “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланган бўлибди.

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятидан маълум қилинишича, Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, йирик инвестициявий лойиҳалар ижросига киришилди. Бу жараёнда нафақат янги ГЭСлар қуриш, балки мавжудларини модернизациялаш орқали электр энергияси қувватларини кескин ошириш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Аниқроғи, Шахрихон ГЭСлар каскади ҳамда Куйи Бўзсув ГЭСлар каскади тизимидаги қувватларни модернизация қилиш лойиҳаси бўйича чет эллик компаниялар билан шартномалар имзоланиб, амалий ишлар бошлаб юборилди. Мазкур инвестициявий лойиҳалар доирасидаги техник ва технологик жиҳатдан янгиланган тадбирлар Хитойнинг “Sinohydro Co., Ltd.” ҳамда “TBEA Co., LTD” компаниялари томонидан амалга оширилди.

— Ўтказилган очик ва шафдоф тендер танловлари яқунларига қўра, белгиланган барча техник ҳамда сифат мезонларига тўлиқ жавоб берган, халқаро миқёсда бой тажриба ва юқори ишончга эга мазкур нуфузли компаниялар голиб сифатида эътироф этилди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго”

АЖ Хорижий инвестициялар департаменти бошлиғи Авазбек Зокиров. — Томонлар ўртасида имзоланган келишув иккала лойиҳани ҳам тайёр ҳолда топшириш тамойили асосида амалга оширишни назарда тутди. Яъни лойиҳалаштириш ишлари, қурилиш, технологик ускуналари ва ҳизмоларни етказиб бериш ҳамда объектларни ишга тушириш — буларнинг барчаси хориж компанияси томонидан тўлиқ бажарилади. Бу эса ГЭСлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиб, ишлаб чиқариш қуввати ва умумий самарадорлик сезиларли даражада ошади. Яна бир эътиборли жиҳати, технологик бошқарув тизимлари замонавийлаштирилди ҳамда энергетика объектларининг барқарорлиги таъминланади.

Дарҳақиқат, биргина Шахрихон ГЭСлар каскадидаги гидроэлектр станциялар модернизация қилиниши натижасида унинг амалдаги умумий қуввати 7,6 МВтдан 16,4 МВтга етказилди. Бунинг хисобига йилига қўшимча 33 млн. кВт/соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Бу 13 мингдан ортиқ хонадонлар электр энергияси билан узлуксиз таъминланиб, 11 млн. куб метр табиий газ ва 27,5 минг тоннадан ортиқ кўмир тежалди дегани.

Шунингдек, модернизациялаш тадбирлари доирасида Куйи Бўзсув ГЭСлар каскади тизимининг қуввати 27,4 МВтдан 32,4 МВтга етказилиб, қўшимча равишда 52,8 млн. кВт/соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Натижада 21 мингдан ортиқ хонадонлар йил давомида қарогон бўлиб, 17 млн. куб метр табиий газ ва 40 минг

тоннадан ортиқ кўмир иқтисод қилинади. Мана, технологик янгиланиш самараси, гидроэнергетиканинг сув остида бекилиб ётган салоҳияти!

Таъкидлаш керакки, гидроэнергетика тизимида рўёбга чиқарилаётган шу каби лойиҳалар соҳага инновацион технологияларни изчил жорий этиш, амалиётга замонавий халқаро стандартларни татбиқ қилишга кенг йўл очмоқда. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раисининг сунъий интеллектни жорий этиш бўйича маслаҳатчиси Руслан Айтибаевнинг айтишича, гидроэнергетика тизимини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, соҳада рақамли ечимлар ва сунъий интеллектни кенг қўллаш мақсадида “Ақли ГЭС” концепцияси ҳаётга татбиқ қилинади. Бу борада Хитой Халқ Республикасининг нуфузли “China Huaneng Group Co. Hong Kong, Ltd.” компанияси муносиб ҳамкор сифатида танланди. Сабаби, у дунёдаги электр энергияси ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар орасида учинчи ўринда туради. Унинг таркибида 57 та ишўба компания ҳамда 1 мингдан ортиқ гидро, иссиқлик ва шамол электр станциялари мавжуд бўлиб, йиллик энергия ишлаб чиқариш қуввати 270 ГВтни ташкил этади.

Мўқобил энергиянинг ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан афзаллиги тўғрисида у тез орада миллий энергетика тизимининг драйверига айланиши кутилмоқда. Шубҳасиз, бунда гидроэнергетика асосий куч сифатида намён бўлиб, барқарор электр энергияси таъминотида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Саид РАҲМОН
(«Халқ сўзи»).

«ISHONCH» — ЗАМОНАВИЙ ФОРМАТДАГИ МАРКАЗ

Хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва кундалик ҳаёт сифатини оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Денов туманида замонавий ёндашув асосида ташкил этилган “Ishonch” ижтимоий ва маиший хизматлар маркази фаолияти бунинг ёрқин далилидир.

Қулайлик



Янги инновацион лойиҳа доирасида аҳолига қўллаб хизмат турлари ягона марказ орқали тақлиф қилинмоқда. Кунлик меҳнатга ишчи ёллаш, электрчи, сантехник, пайвандчи, пардоз устаси хизматлари, дезинфекция ва санитария, офис ҳамда хонадонларни тозалаш, барча турдаги уй хўжалиги ишлари, шунингдек, хонадонларни тўлиқ таъмирлаш хизматлари ана шулар жумласидан.

Марказнинг қулай жиҳатларидан бири — “1419” қисқа рақамли Call-markaz орқали буюртмалар қабул қилинади. Мурожаатлар мазмунига қараб тегишли мутахассислар томонидан тезкор равишда манзилга йўналтирилади.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

«ЯНГИ ҚЎҚОН» — КЎРКАМ МАЖМУА

Қўқон шаҳрининг “Азизтепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массиви таркибидаги “Янги Қўқон” мажмуасида 56 та кўп қаватли уй қурилиши якунига етказилмоқда. Яқин кунларда ушбу мажмуада фойдаланишга топширилаётган қарийб 4 400 та хонадонда уй тўйлари ўтказилади.

Бунёдкорлик

Бугунги кунда қурилиш жараёнларида қатор янгиликлар жорий этилиб, инновацион ғоялардан унумли фойдаланиляпти. Мисол учун, хавфсизлик ва зилзилабардошликни таъминлашда Туркия тажрибаси қўлланилаётир. Мажмуадаги ипотека марказида амалиётга татбиқ қилинган яна бир янгиликка қўра, уй харидида қурилиш ташкилотини умуман иштирок этмайди. Янги уй харидор ва банк ўртасидаги келишув асосида расмийлаштирилади.

Ўз навбатида, янги массивда аҳоли учун муносиб яшаш шароитлари, замонавий ва қулай инфратузилма бунёд

этишга алоҳида ургу берилмоқда. Ландшафт архитектура асосида яшил ҳудудлар, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш масканлари ташкил қилиниб, тоза ҳаво ва барқарор экологик муҳит яратиш устувор вазифалар сирасига киритилгани эътиборга молик.

— Шаҳримизда қурилиш соҳасида истиқболли лойиҳалар кўлами тобора ортиб бормоқда, — дейди Қўқон шаҳар ҳокими ўринбосари Азиз Сулаймонов. — Яқинда хитойлик инвесторлар иштирокида муҳташам савдо комплекси, меҳмонхона, кўп қаватли турар-қўй бинолари қурилиши бошланиши режалаштирилган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

«Яшил» энергетика

Халқаро энергетика агентлиги (IEA)нинг таҳлилларига қараганда, жаҳонда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига ортиб бораётган талабини қондиришда “яшил” энергетика асосий қувват манбаига айланмоқда. Бу энергия ҳосил қиладиган нефть, табиий газ, кўмир сингари углерод захиралари тобора камайиб кетаётгани билангина изоҳланмайди. Аксинча, уларни электр энергияга айлантиришда экологияга путур етаетгани соҳадаги сиёсатни ўзгартаришни тақозо қилаётир. Қайта тикланувчи энергия эса экологик тозаллиги билан устуңлиқка эга. Шу боис охириги ўн йилликда унинг жаҳон энергетикаси таркибига улуши кескин ошиб кетди.



Жорий йилда “маҳаллада саноат ва хизмат” лойиҳаси орқали **10 минг** дан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш учун **5 триллион сўм** кредит берилди.

Ҳар бир маҳаллада **40 тадан** микролойиҳани амалга ошириб, **360 минг** аҳолини ишли қилиш учун маҳалла банкирлари ва ҳоким ёрдамчиларига 2026 йилда яна **7,5 триллион сўм** ресурс ажратилади.

Маҳалла ёшларининг китобхонликка бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналари ҳар йили **10 миллион дона** бадий адабиёт билан таъминлаб борилади.

Президент Мурожаатномасидан.

«Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт»

Ҳазрат Алишер Навоий “Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”, дея нақл қилади. Буюк аждодларимизнинг эзгу ғояларидан қувват олган Мингчинор маҳалласи аҳли азалдан заргарлик билан шуғулланиб келади. Шу боис ушбу маҳаллада “Gavhar Group” корхонасини ташкил этдик. Заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизда 75 йигит-қиз мана шу афсонавий касбнинг нозик сир-асрорларини эгаллаб, миллий нақш ва замонавий дизайн уйғунлигида жило сочувчи заргарлик буюмларини ички ва ташқи бозорга чиқармоқда. Энг муҳими, бу қўлигул ёшларнинг кўпчилиги мингчинорлик ҳунармандлардир.

Узук, сирга, биланузуқ ва бошқа турли тақинчоқлар, шунингдек, олтин қўймақлар, умуман олганда, корхонамизда заргарликнинг барча маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шу орқали йилига 1 200 килограммгача заргарлик буюмлари саноат усулида тайёрланади.

Табиийки, бозор иқтисодиёти шaroитида сифатга алоҳида эътибор қаратамиз ва бу давлатимиз томонидан ўз эътирофини топаётимиз. 2022 йилда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалида “Энг яхши заргарлик корхонаси” но-

минациясида биринчи ўринни қўлга киритдик. Шу йилнинг ўзида корхонамизнинг “Gavhar Group” бренди Ўзбекистон заргарлар уюшмаси томонидан мамлакатнинг энг яхши заргарлик бренди, дея эътироф этилди. 2023 йилда эса мазкур нуфузли унвонга кетма-кет иккинчи бор сазовор бўлдик.

Ҳунарманд ходимларимизнинг бир маҳаллада яшаб, ўзаро дўстона муносабатда меҳнат қилаётгани жамоадаги бирдамлик муҳити ва барча ютуқларимизнинг асосидир.

Омилбек ТИЛЛАБОВЕВ,
“Gavhar Group” заргарлик корхонаси раҳбари.
Янги Номонган туманидаги Мингчинор маҳалласи



Халфа шунчаки куйламайди

Тобора ривожланиб бораётган дунёда кўп юмушлар қаторида қўшиқ куйлаш ҳам осон бўлиб борапти. Машҳур қизикчи бир ҳангомасида лутф этганидек, алифбодоги ҳарфларни айтсангиз, бас, компьютернинг ўзи қўшиқ қилиб беради. Шундай шaroитда, барибир, айниқса, халфачилик осон эмаслиги аён бўлиб боради.



Дарҳақиқат, халфачилик — шунчаки қўшиқ айтиш эмас. Бу орқали халқнинг юрагига қулоқ тўтилади, одамларнинг дарду қувончи, орзуу умидлари қўйга солинади. Хоразмда аёл қўшиқчилар “халфа” деб аталиши ҳам бежиз эмас. Чунки халфалар овозида она алласи, эл-юрт дуоси, асрлар силсиласида яшаб келётган миллий тафаккур мужассам.

Репертуаримиз — халқнинг қалбидай кенг. Махтумқули ва Муниснинг ҳикматли сатрлари, Ожиза халфанинг насихатомуз шеърлари, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам”, “Хурлиқо ва Ҳамро” каби достонлар — буларнинг барчаси минг-минг йиллар оша бизга етиб келган маданий мерос ва зиммаларимизда қарзидир. Улар янграётганида, ўтмиш ва бугун

ўртасида маънавий кўприк қурилади, гўё.

Хива шаҳридаги Ичан қалъа маҳалласида яшаб, иқод қилиш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Бу маҳалла — менинг илк саҳнам, биринчи тингловчим, дастлабки олқишим ҳам. Шунинг учун маҳалламиздаги бирор тўй ёки базми четаб ўтгим келмайди. Маҳалладошларим мени “Зумрад халфа” дея чорлаганида, ҳаётимдаги катта эътирофни эшитгандек бўламан.

Шу кунларда Хивада олтимшдан зиёд халфалар иқод қилади. Ҳар бири халқона куй-қўшиқлар орқали миллий санъатнинг чўғини ўчирмай, уни наслдан-наслаб етказиб келмоқда. Маданий мероснинг бу чўғини ҳис этган хорижлик сайёҳлар ҳам Хоразмнинг қадимий санъати жозибасига мафтун бўлиб, мириқиб тинглайди, самимий олқишлайди. Ўз навбатида, шонли тарихимиз билан юзма-юз келади.

Гармон садоси бор экан, халқ меҳри бардавом экан, халфачилик ҳам абадий яшайди. Зеро, халфачилик — саҳна билан чекланиб қоладиган санъат эмас.

Зумрад МАДРИМОВА,
“Хива халфалари” фольклор-этнографик халқ ансамбли раҳбари.
Хива шаҳридаги Ичан қалъа маҳалласи

Узилмаган узумлар ошёни

Ота-боболарим бoғбон ўтишган. Бугун мен давом эттиряпман — оилавий силсила шундай бардавотлиқ тусини олган. Маҳалладошларимиз ҳам отамнинг кўп йиллик тажрибаларига таяниб, узум кўчатлари парваришлайди. Яъни Қўлбўйи маҳалласида олти юздан ортқ хонадонлар бўлса, аҳолининг қўшимча даромад манбаи ҳам, дастурхонлар тўқинлиги ва турмуш фаровонлигининг асосий омилларидан бири ҳам узумчилик.

Илгари боболаримиз узумни хоналарда, мих ёки шифтларга осиб сақлаб келар эди. Бугунги кунда биз токнинг ўзини иссиқхона шаклида ўраб, шингилни янги ҳосил пишгунга қадар асраш усулини жорий қилдик. Бу инновацион ёндашув нафақат маҳсулотни сақлаш, балки аждодларимиздан қолган ақл-заковатни замон талабига мос тарзда давом эттиришга хизмат қилмоқда.

Томорқамизда 3 тоннага яқин

узум янги ҳосил пишгунга қадар сақланади. Баҳор ойларида бундай асралган узум яхшигина нархга сотилади. Тажрибамизни зиёди билан қўллаган Абдурахмон Ғафуров, Абдурасул Каримов, Мухторали Уринбоев каби тадбиркорлар катта иқтисодий кўрсаткичларни қўлга киритмоқда.

Қўлбўйилик миришкорлар тажрибасини оммалаштирган қўшни Чинортаги маҳалласи аҳолиси ҳам қишқи бо-



зорга ишқомдан ҳозиргина узилган узумларни пешма-пеш етказмоқда. Келгусида фарзандларимиз ҳам боболари эъзозлаган ҳунарни янада зийнатлаб, томорқа орқали рўзгорига барака, маҳалладошлари дастурхонига фойз киритишда давом этишига ишонаман.

Хусанбой ҒАФУРОВ,
бoғбон.
Олтиариқ туманидаги Қўлбўйи маҳалласи

Хорижликнинг ҳайрати



Бугун устахонамизга турли мамлакатлардан сайёҳлар келади. Яқинда япониялик меҳмон сўзаналаримдан бирига қарийб ярим соат тикилиб турди. Ҳайронлигим ошди: у бу нақшлардан ниманидир излаётгандек эди. Кейин Европадаги музейлардан бирида шунга ўхшаш нақшни кўргани, бу нақш жуда қадимий бўлиб, аждодларимиз деворларга чизган суратларда ҳам учрашини айтди. Бу гаплар қалбимни ифтихорга тўлдирди.

Ғиждувон аънаваный каштачилигининг юртимизда ва хорижда шuhrат қозонишининг асосий сабабларидан бири табиий бўёқлардан фойдаланилишидир. Шотут меваси, анор пўчоғи, ёнғоқ пўсти, пиёз пўстлогидан олинган ранглар каштага табиий нафосат ва тириклик бағишлайди. Бу усул ота-боболардан мерос бўлиб қолган қадимий қадриятдир. Табиийлик эса каштага нафақат ранг, балки рух ҳам беради. Бугун маҳалламиздаги 40 нафар аёл-

га каштачилиқнинг нозик сир-асрорларини ўргатиб келяпман. Қувонарлиси, яшаб турган жойимиз “каштачилар маҳалласи” деб аталади. Бу ном биз учун ҳам шараф, ҳам илҳом манбаидир. Чунки ҳар бир игнанинг нозик ҳаракати билан аждодларимиз хотираси, миллатнинг орзу-умидлари нақшга айланади.

Мавлуда НАРЗУЛЛАЕВА,
каштадўз.
Ғиждувон шаҳридаги Қўрғон маҳалласи

Ҳаёт дарсхонаси

Сентоб — инсоният цивилизациясига бешик тутган кўҳна маскан. Қарийб уч минг киши яшайдиган бу қишлоқнинг тарихи бир неча уч мингйилликларни қамраб олса, ажаб эмас. Бу қадимий гўша ҳозирги кунда ўзгариш ва эврилишлар манзилга айланган. Шу билан бирга, миллий қадриятлар кадр топмоқда.

Қишлоқда қадимий удумлар ва кўҳна ҳунарлар авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Азалий услуб ва шакллари сақлаган ҳолда гилам тўқиш аънаси изчил давом этаётгани мисолида бунинг тасдиғини кўриш мумкин. Ушбу аъна нафақат миллий ҳунармандчилигимизнинг ёрқин намунаси, балки халқимизнинг сабр-тоқат ҳамда аждодлар мероси ва ҳунарига бўлган муҳаббатнинг амалий ифодасидир. Сайёҳлар севиб истезмол қиладиган Сентоб шираки таомни эса ўзининг қадимийлиги ва бетакор таъми билан алоҳида ажралиб туради.

Миллий қадриятларнинг дарз етмасдан бугунги кунгача етиб келишида бу ерда яшовчи зиёли маҳалладошларимизнинг ҳиссаси бекиёс. Қолаверса, халқимизнинг юксак ақл-идроки, ўткир тафаккури ва тарихга эҳтиромни тўғайли Сентоб қишлоғи Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессиясида “Энг яхши туризм қишлоғи” сифатида эътироф этилди. Бу юксак баҳо, аввало, юртимизда миллий қадриятлар умрбоқчилигини таъминлашга қаратилаётган давлат сиёсатининг ҳосиласидир.

Сентоб — бу фақат қишлоқ эмас, балки жонли тарих, асрлар оша давом этаётган маънавий қадрият ва келажак авлодларга ўрناк бўладиган ҳаёт дарсхонасидир.

Бобожон ҚОСИМОВ,
Нурота туманидаги «Сентоб» МФЙ раиси.

Ўтмиш ва бугун туташган нуқта

Халқимиз чинорни “ҳикматли дархат” дея ўзгача меҳр билан парваришлайди. Бунинг замирида ўтмишга ҳурмат жо бўлса, ажаб эмас. Балки шунинг учундир маҳалламизда чинорлар кўп. Аммо шу чинорлар орасида қарийб минг йилни елкасида кўтариб турган, салобати билан қалбга ҳайрат солувчи битта чинор борки, уни тирик тарих дейиш мумкин. Бу чинорнинг бўйи 26 метрга етган, танасининг айланаси эса 21 метрни ташкил этади. Унинг ҳар бир ҳалқаси — бир аср, ҳар бир шохи — хотира.



Ўтган аср бошларида бу чинорнинг кенг қаваги болалар савод чиқарган мактаб вазифасини бажарган. Кейинчалик қишлоқ кенгаши идораси ҳам шу ерда жойлашган. Бир муддат қадим чинорнинг бағри кутубхона ҳам бўлди, савдо дўкони вазифасини ҳам бажарди. Ҳозирги кунда эса у тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинми, мўъжаз музейга айлантирилди.

Мана шу каби табиат мўъжизалари билан ўтмиш ва бугунни туташтириб турган қишлоғимиз “Туризм маҳалласи” макомини олган. Ҳозир мулоҳаза қилсак, сайёҳлик қишлоғимизнинг азалдан иқтисодий манбаи бўлган экан. Сўлим ғўшадаги маҳалламизда хизмат кўрсатиш шохобчалари, оилавий меҳмон уйлари барпо этилганидан сўнг бунинг ҳадисини олдик. Ҳозирги кунда 35 та меҳмон уйи сайёҳлар хизматиди. Қадимий сув тегиримини қайта тикланиб, унда дастлабки ун ишлаб чиқариш технологияси сайёҳларга кўргазмалли тарзда намойиш этиляпти. Шу ернинг ўзида ундан турли таомлар тайёрлаш жараёни сайёҳлар учун амалий машғулотга айланиб, меҳмонларнинг қизиқишини янада оширмоқда.

Мирзақул ШАМСИЕВ,
Бойсун туманидаги «Сайроб» МФЙ раиси.

Ҳалоллик бешиги

Маҳалламиздаги саккиз юздан зиёд оила-ларда уч ярим мингдан кўпроқ аҳоли доимий истиқомат қилади. Уларнинг барчаси аҳлиноқ ака-укалардек яшайди. Ҳеч бири уйнинг оғили бўш эмас. Деярли ҳар хонадонда қўй-эчки, сигир-бўзоқ бор. Шу боис дастурхон файзли, фарзандлар соғлом: сут, қатиқ, қаймоқ ҳеч қачон узилмайди. Алаҳусус, бизнинг қўй қатиғимизни ичмасиз — бу дунёга келмасиз.

Торқопчиғойда ота-боболардан қолган яна

бир ноёб удум ҳозиргача сақланиб келмоқда. Бу қўй ёки эчки сўйилиб, унинг қорнига “гупи”да пишитилган соф ёғни солиб, ёз ойларида тоғдаги ғорларда асраш одатидир. Оқтош тоғидаги камар(ғор)ларга қўйилган сариёғ то қишгача сақланади.

Негаки, бу жойдаги ҳаво ҳарорати жуда салқин — замонавий технологиялар асосида ишлайдиган йирик музлаткичлардан сира қолмайди. Ғорга кирган киши шу заҳоти салқинликини ҳис қилади. Қишлоқ-

нинг ярим оиласи 10 — 15 килолаб сариёғни мана шу ғорлар бағрига қўяди. Ғорнинг эшиги ҳам, қулфи ҳам йўқ — очик ҳолда сақланади. Аммо шу пайтгача биронинг ёғи олингани ё камайиб қолганини ҳеч ким эшитган эмас.

Бу ерда ҳалоллик — қонун эмас, ҳаёт тарзи. У ота-боболардан мерос бўлиб, қондан-қонга, авлоддан-авлодга ўтиб келётган қадимий қадрият. Бизнинг маҳалламиз мана шундай ҳалолликнинг бешиғидир.

Абдивоҳид САТТОРОВ,
Деҳқонобод туманидаги «Торқопчиғой» МФЙ раиси.

2026/2027 ўқув йилидан педагогика олийгоҳларида мактабгача ва бошланғич таълим йўналишлари бўйича таълим дастурлари халқаро илғор тажрибаларга мос равишда такомиллаштирилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 242. 25 654 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўёғмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Маамиров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 03.00 Топширилди — 03.30 1 2 3 4 5 6